Оила ва маданият

26 сон
8-14 июль
1998 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Тошкент шаҳар Сирғали туманида бахтли-тахтли оилалар талайгина. Фарзандлар, невара-чеваралар қуршовида кексалик гаштини сураётган Илҳом ака ва Марям опа оиласини «Маданият» маҳалласида яхши танишади. Улар саккиз фарзандни ўстириб вояга етказдилар, кўплаб невара-чевараларнинг суюкли бобоси ва бувиси даражасига эришдилар. Улар ҳамон эл хизматида.

Илҳом ака Муродов маҳалла фахрийларига бағишлаб ўрнатилган «Хотира» ёдгорлиги атрофида кўркам боғ бунёд этиб, ёшу қарининг дуосини олди.

Миробид МИРСОДИҚОВ туширган сурат.

УШБУ СОНДА

ЭЪТИРОФ 2-бет

ҲАСАД ВА БАХИЛЛИК БЕКАТИ 3-бет

СЕНИ ҚАНДАЙ ЧАҚИРАЙ, БОЛАМ...

4-бет

УМРНИНГ ОЛТИН ОСТОНАСИДА 5-бет

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЎЎҚ 6-бет

БУВИМНИНГ ЭРТАГИ ЁКИ ШАРҚОНА БОЗОР

7-бет

Қутлов

ЭЪТИРОФ

Хабарингиз бор: яқиндагина Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти-97» танлови якунланди. Танловнинг иккинчи мукофот совриндорлари орасида «Оила ва жамият» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Маҳмуд Абулфайз ҳам борлиги кувончлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, мукофот соҳиби — ҳамкасбимиз Маҳмуд Абулфайз билан суҳбатлашдик.

— Аввало, мукофот муборак бўлсин!

— Раҳмат.

— Мукофотдан оилангиз ҳам мамнунми?

— Мамнун бўлади-да. Қачонки оила аъзоларим менинг мағлубиятларимдан қанчалик изтиробга тушсалар, ютуқларимдан эса унданда кўпроқ суюнадилар. Аслини олганда, гап мукофотда ҳам эмас.

— Гап нимада, унда?

— Гапми? Гап эътирофда. Бугун менинг камтарона меҳнатимни инобатга олишибдими, ёзганларим кимгадир маъқул тушибдими, шунинг ўзи мен учун жуда қиммат туради.

— Қалам ортидан топилган нон жудаям ширинми? Қандай ўйлайсиз?

— Қоғоз қоралаб нон топасизми, ер ағдариб нон топасизми, барибир ширин. Чунки сиз ўша нон учун пешона тери тўккансиз, ақл ишлатгансиз. Бу энди биз ҳозирча билган, англаган ҳақиқат. Табиийки, ўғрининг, муттаҳамнинг, порахўрнинг ҳам ўз ҳақиқати бор. Балки улар учун ҳам ўша йўллар билан топган нонлари ширириндир. Лекин биз англаган бир ҳақиқат шуки, қалам ортидан ҳалол нон топиб ейиш қанчалик қийин бўлмасин, шу қадар ширин ҳамдир.

— Бугунги ўзбек журналистикаси ҳақида нималар дея оласиз?

— Шубҳасиз, туртинчи ҳокимият вакиллари бўлмиш касбдошларимиз масъулиятли ва қийин жараённи бошдан кечирмоқдалар. Воқеликни англаш, бўлаётган янгилик, ўзгаришларга муносабат билдириш ҳамиша ҳам осон бўлмаётир. Ҳалиҳамон эски қолип, андозаларга мослаб ёзаётганлар ҳам бор. Ўз-ўзидан равшанки, эски қолип, андозалардан воз кечмаган, кечолмаган журналистни янги давр рад этади. Лекин бугунги изланиш, уринишлардан шу нарса аёнки, журналистикамизнинг эртаси бошқача бўлади. Ўзбек журналистикаси дунё миқёсида пешқадамлик касб этади, деган ёруғ ният билан юрибмиз.

— Меҳнат ингиз, қадрингиз ўлчови нимада деб биласиз?

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўлчов деганлари нисбий бир нарса. «Мен фалончи эдим, мендек мўътабар одамни билишмади, иззатимни жойига қўйишмади», деб йиллаб кимлардандир араз уриб юраберишингиз ҳам мумкин. Лекин бундан ҳеч нарса ютмайсиз. Демоқчиманки, журналист ҳеч кимдан, ҳеч қачон, ҳеч нарса даъво қилмаслиги керак. Журналистни даъво хароб қилади. Нафақат журналистни, бошқа касб-ҳунар эгаларини ҳам. Агар гап менда қоладиган бўлса, шуни айтиш жоизки, ёзганларимни ўқишса, эътироф қилишса ва энг муҳими, одамларга бирон-бир нафи тегса... Шунинг ўзи ўлчовдир.

— Энди анъанавий савол: келгуси режаларингиз?

— Агар дурадгор шу ҳафта ичида учта эшик ясайман ёки, агар деҳқон ўн кун ичида томорқамни ағдариб чиқаман деса, ишонса бўлади. Лекин, журналист шу ой ичида фалон нарса ёзаман, деса бу нарса менимча, табиий жавоб эмас. Агар чин маънодаги журналист бўлса, у эртага ўзини нималар кутаётганини, ҳафтадан ёки бир ойдан сўнг қандай мақолалар ёзишини билмайди. Балки тахминан билар, лекин қандай нарса ёзишини билмайди.

— Қаламингиз бунданда, ўткирроқ бўлсин, ёзганларингизни одамлар суюб ўқишсин.

— Миннатдорман.

Суҳбатдош: Мухтор СУЛАЙМОНОВ

ОИЛА ҲУҚУҚИ МУҲОКАМАСИ

Сирғали туманида «Аёл, никоҳ, оила: оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинарда катта ҳаёт бўсағасида турган қизлар, ёш оила бекалари ва маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари раислари қатнашдилар. Республика Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова мустақил давлатимизда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни асраш, соғлом тафаккур, соғлом авлод учун қилинаётган эзгу ишларимиз, ўзбек аёлига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида маъруза қилди.

Семинар маърузачилари — медицина фанлари номзоди Феруза Фозилова, тарих фанлари номзоди Азиз Такибаев, фалсафа фанлари доктори Манзура Холматованинг мавзу жиҳатидан хилма-хил чиқишлари, ҳар бир иштирокчида қизиқиш уйғотди.

Тошкент шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова семинарда якунловчи маъруза қилди.

Семинарни ташкил қилган «Аёл ва жамият» институти директори Наталья Муравьёванинг ўзига хос услуби, тест синовлари, саволжавобларни ўз вақтида бошқариш қобилияти барчани янада илмли, тадбиркор бўлишга ўргатди. Семинар ишини бошқариб борган Сирғали туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Орипова биз билан суҳбатда шундай деди: «Республикамиз хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломованинг ҳар бир ёш қиз билан, янги келинчак билан чин дилдан қилган суҳбати, тингловчилар ҳузуридаги маърузаси сирғалилик аёлларнинг ёдидан узоқ вақт чиқмайди. Бундай семинарни ташкил этган Наталья Муравьёва раҳбарлигидаги «Аёл ва жамият» институти ташаббусини янада кенгроқ ёймоғимиз керак».

Семинар сўнгида Сирғали туман ҳокими Мидхат Йўлдошев ташкилотчилар ва маърузачиларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Тошкент шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова қатнашчиларга «Аёл ва жамият» институтининг сертификатларини топширди.

Зулфия МЎМИНОВА

Ўқинг, қизиқ!

ОЛТИН ОЛМА

Бу сўзни ўқигандаёқ «олтин олма» ҳам бўларканми, деб ажабланишингиз табиий. Ҳа, «олтин олма» бор экан, яна қизиғи шундаки у бизни кўз ўнгимизда овқатларимизнинг лаззатли масалликларидан бири бўлган «олтин олма»ни бундан бир аср илгари ҳеч ким емас эди.

Тарихий манбаларда айтилишича, помидор Жанубий Америкада Перуда тарқалган. Мексикаликлар бу ўсимликни «таматель» деб атаганлар. Испания Перуни босиб олгач, помидор Европага келтирилган. Италияда помидорни «помо-д'оро», яъни «олтин олма» деб атаганлар. Бу вақтда помидор Европанинг шимолий томонларига тарқалмаган эди. Помидор 1754 йилда манзарали ўсимлик сифатида биринчи марта селекцияга киритилган.

Кейинчалик помидор Греция орқали Туркияга ва бу ердан 1850 йилда Қримга келтирилган. Қримда уни «муҳаббат олмаси» деб атаганлар. Шундан кейин кўп ўтмай бу сабзавот Россиянинг жанубий районларида экила бошлаган ва озуқа сифатида дастлаб шу ерда қўлланилган. Ўзбекистонда помидор ўстириш инқилобдан бирмунча кейинроқ расм бўлди. Ўша вақтда помидорнинг таркиби бутунлай ўрганилмаган бўлиб, одамлар уни заҳарли мева деб тахмин қилишарди. Заҳарлилиги тўғри. Помидорнинг кўк, хомида тирозин деган модда бўлиб, у ўта заҳарлидир, тузламай ейилса заҳарлайди. Ўрта Осиёга кўчиб келган рус деҳқонлари қулупнай, малина, смородина, картошка, карам, редиска ва шу каби сабзавотлар қатори помидор ҳам етиштира бошладилар. Кўплаб сабзавотлар қаторида помидорнинг ажойиб озуқалик сифатини билиб олган маҳаллий аҳоли уни суюб истеъмол қила бошлади. Ўша вақтларда баъзилар помидорни «падиджон», яъни жон ато қилувчи мева деб атар эдилар. Эндиликда помидорнинг ўнлаб навлари яратилган бўлиб, юзлаб таомларда ишлатилмоқда.

К. МАҲМУДОВ

БИЗДА ЭСА МАНА БУНДАЙ АТАШАДИ

Биз оиламиз билан газетанинг 23-сонидаги «Биз «дода» деймиз, сиз-чи?» мақоласини ўқиб чиқдик ва биз ҳам ўз қондошларимизни қандай аташимизни ёзиб юбормоқни ният қилдик.

Хуллас, бизнинг оилада расм бўлган атамалар қуйидагича:

Ота — дада.

Она — ая, опа, эна.

Отамизнинг отаси — Катта ота.

Отамизнинг онаси — Анна, Катта эна.

Дадамнинг акаси — Бобо.

Дадамнинг янгаси — яъни акасининг рафиқаси — Момо.

Дадамнинг укаси — Ака.

Дадамнинг опаси, синглиси — Амма.

Аммамнинг умр йўлдоши — Почча, жезда.

Дадамнинг келини, яъни укасининг рафиқаси — Янга.

Дадамнинг жўраларини — биз Бобо деб чақирамиз.

Уларнинг рафиқаларини — Момо деб чақирамиз.

Аммамнинг қизларини — Аммача деб чақирамиз.

Аммамнинг ўғли — жиян.

Холамнинг болалари эса — биз учун бўла.

Дадамнинг акасининг қизларини — опача, ўғлини - акача деб айтамиз.

Аямнинг отасини — Бова деб чақирамиз.

Аямнинг онасини — Бува деб чақирамиз.

Аямнинг ака-укаларини эса — Тоға деб чақирамиз.

Шерзод ЭШМАТОВ,
Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Қилдон жамоа хўжалиги

Фикр

ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН...

Яқинда олий ўқув юртларидан бирида талаба қизлар билан давра суҳбати бўлаётган эди. Аёлларидан бири қўшнисиникида юз берган бир воқеани айтиб қолди:

— Бир куни уй юмушлари билан машғул бўлиб юрган эдим. Қўшни келин чақириб қолди, — дея ҳикоя қила бошлади у. — Қарасам, қўлида бир энлик хат.

— Жон опажон, рус тилини тушунмайман. Мана шу сўзлар нима дегани, айтиб беринг, илтимос, — деди.

Хатни қўлимга олиб, кўз югуртирдим-у, тушунмай сўрадим.

— Бу қандай хат ўзи?

Аёл:

— Биласизми, эрим телефонда ҳар доим ким биландир рус тилида, узоқ-узоқ, аллақандай сирли гаплашадилар. У киши менинг рус тилини тушунмаслигимни яхши биладилар, шунинг учун ҳадиксирамайдилар. Бу гал кўнглимда шубҳа туғилди. Қоғоз-қалам олиб оғизларидан чиққан гапнинг ҳаммасини ёзиб олдим. Фақат «люблю» сўзини тушунаман холос. Бошқасини сира тушунмаяпман. Нима деб гапиришибдийкин, жудаям билгим келяпти. Айтиб беринг...

Аёл бирор гуноҳ иш қилиб қўйгандек ерга тикилди. Мен хатларга тўла хатни ҳижжалаб, зўрға ўқиб олдим. Ўқишга ўқидиму, мазмунини айтишга тилим бормади. Ўйланиб қолдим — туғрисини айтсам бир оила бузилиб кетади, ёлғон гапирсам... Бир муддат жим қолганимни кўриб, аёл:

— Нима, ёмон гап эканми? — деди сабрсизлик билан. Шунда ўзимни ўнглаб олиб:

— Йўқ, турмуш ўртоғингиз иш юзасидан гаплашибдилар, — деб аёлни хотиржам қилдим.

У эса қувончини ичига сиғдиролмай:

— Раҳмат опа, барака топинг, болаларингизнинг роҳатини кўринг, — дея уйига чиқиб кетди. Мен эса қилар ишимдан адашиб, ўзўзимга: — Тўғри қилдимми? — дея савол бердим. Чунки аёлнинг эри бир рус аёлига «Учрашув жойи одатдагидек, мен сени яхши кўраман», — қабилида гапирган экан.

Ва ниҳоят ишдан келган эримга ҳаммасини тўкиб солдим-да:

— Инсон ҳам шу қадар тубан бўладими? — дедим.

Улар эса:

— Шу хотиннинг ўзида ҳам айб бор-да, қачон қарама, ҳамиша ивирсиб юради. 2 та боласи ҳам кир-чир... «Дом» бўлса, тайёр душ, ванна бўлса, озода бўлиб юрмайдими? Қўшнилар ҳам, хотини онасиникига кетганда ўша рус аёлни уйига олиб келганини кўришибди, — дедилар.

Эшитганим шулар бўлди. Масаланинг туб илдизини ахтара бошладим.

Фикримча, айб ота-оналарда, қизлари мактабни битириши биланоқ, «эри боқиб олади» деб, уни узатиш пайига тушишади. Гап фақат қорин тўқлигидами? Ўша аёлнинг эри олий маълумотли, демак унга дунёқараши жиҳатидан тенг, у билан фикрлаша оладиган, маънан бой аёл керак.

Кейинги йилларда Тошкентда ва республикамизнинг айрим вилоятларида қизларни ёш узатиш урф бўлиб бораяпти. Бу ёшда қизлар нафақат касб-ҳунарли, балки ҳаётий тушунчалари ҳам етарли бўлмайди. Тўғри, Ўзбекистон шароитида қизлар вақтли балоғатга етадилар. Бироқ, уларнинг она бўлишга тайёр эмасликлари медицина томонидан исбот этилган. Газета ва журналларда бунинг оқибатлари — фожиали ҳолатлар баён этилмоқда.

Шоядки, мен ҳикоя қилган кичик, лекин юракларни ларзага солувчи воқеа ҳам ота-оналарни ҳушёрликка чақирса...

Муҳайё МИРСАИДОВА.

Таҳририятдан: Муаллиф хаётимизда кейинги йилларда урф бўлиб қолаётган воқеалардан бирини — яъни ҳали ўзи ҳақида, олам ҳақида ўз фикри, дунёқарашига эга бўлмай, ҳаётда ўз ўрнини топишга улгурмай туриб қизларимизни эрта турмушга беришнинг кичкинагина бир кўринишини қаламга олибди.

Бу кўриниш катта бир хунук оқибатга айланмайди, деб ким кафолат бера олади?

Яна сизга мурожаат этамиз, азиз газетхон! Бу борада сизнинг фикрингиз, ҳаётий тажриба-ю, хулосаларингиз қандай?

МЕҲР БОШҚАРАЁТГАН ХОНАДОН

бадиҳа

Назаримда ҳар бир хонадонни қандайдир ҳиссиётлар бошқариб туради. Бу хонадонни эса...

Талабаликдай камуй, ўйинқароқ даврларда ҳам улар ўзаро бир-бирларига ғамхўр эдилар.

Нодир туйғулар яратган висолни «турмуш қуришди», деб изоҳлаш балки жўнлик қилар. Энди меҳр улар тутган рўзғорнинг ҳар бир бурчакларига, хонадоннинг қутилмаган бурчакларига ҳам ошён қурди.

Ўзини кимдир интизорлик билан қутаётганини билган куйи уйга ошиқиш нақадар гаштли. Ўз навбатида бошқа оила аъзолари билан кизғин кўришаётган, ўзи томон ҳатто қараб ҳам қўймаётган шу одам уни жудаям соғиниб келганини билиб туриш ниҳоятда ёқимли...

Тақдир сийлаган бу кишилар қалбидан ёғилаётган меҳр зиёлари ҳатто яқинларию қариндошлари кўнглини ҳам мунаввар қилаоладиган даражада бисёр эди. Бирин-кетин туғилаётган фарзандлар ҳам аввало меҳрга йўғрилган шекилли...

— Олмани онажонимга олиб қўяман.

— Ошни дадажоним келгач сузамиз...

— Шоколатимни бирғина тишлаб ширин қилиб беринг, — дея тиллари чиқар-чиқмас чулдирашади.

Бешикдек беминнат бу хонадонни меҳр бошқаради...

Маҳкамтош ҚОДИР қизи

Тарбия соати

ҲАСАД ВА БАХИЛЛИК БЕКАТИ

Фарзандларимизнинг баркамол бўлишларини истар эканмиз, уларга бу йўлда халақит берадиган, тўсқинлик қиладиган иллатларни англаб, фарзандларимизни шундай нуқсонлардан ҳимоялаш бизнинг биринчи даражали вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ўзимиз болалигимизда кўп марталаб ўқиган, бугун фарзандларимиз ўқиётган эртакларда асосан бахилнинг омади юришмаслиги, ҳасадгўйнинг хор бўлиши ҳақида фикрлар қайд этилган. Бироқ инсон қайси ёшдан ва қай тарзда бахил ёки ҳасадгўй бўла бошлайди ва бунинг олдини олиш учун нима қилмоқ кераклиги ҳақида бу эртакларда ҳеч нарса дейилмайди. Биз ушбу бекатда мана шулар ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Ҳар ким боласини мақтайди. Боласида энг олий фазилатларни кўришни истайди ва шу сабаб унда йўқ хислатларни ҳам бор деб олқишлайди. Бу иш баъзан турли фарзандларга нисбатан турли меъёрда амалга оширилади. Бунинг натижасида ортиқча мақталган фарзандингиз худбинлаша бошлайди, келажакда у ҳеч кимдан танқид эшита олмайди ва танқид қилган одамга ёмонлик қилишга уринади. Мана шу ерда шу фарзандингиз қалбида бахиллик, манфаатпарастлик уруғини ундирдингиз. Мақталмаган, ё кам мақталган фарзандларингизда ўз жигарига нисбатан ҳасад уйғонди. Ана энди улар ўз жигаларининг ривожини эмас, балки омади паст кетишини истай бошлайдилар.

Пайғамбарлардан бири Юсуф алайҳиссаломни оталари жуда яхши кўрар эканлар. Қунлардан бир кун Юсуф алайҳиссалом туш кўрадилар ва тушларида уларга ўнта юлдуз ва қуёшдаги ой таъзим қилаётганини кўрадилар. Ушбу тушларини оталарига айтаётганда акалари эшитиб қолишади ва уларга нисбатан ҳасадгўйликнинг амалиёти бошланади. Оиладан ширин гаплар билан олиб чиқиб кетиб, бошларига не ёмонлик, не жазоларни раво кўришади.

Қаранг, бу энг пок, оллоҳ томонидан пайғамбар деб эълон қилинган Ёқуб алайҳиссалом оиласида содир бўлаяпти. Бизларнинг оиламизда эса бундан беш баттари бўлиши мумкин. Демак, ҳасад ва бахилликнинг бошланиши оилада бир фарзандни бошқаларидан ҳаддан ташқари ортиқ яхши кўриб мақташликдан келиб чиқар экан.

Одамлар ҳатто энг бемаъни туйғулар билан ҳам мақтангилари келади. Аммо ҳасад шунчалик паст ва тубан ҳиссиётки, уни ҳеч ким тан олгиси келмайди.

Мана шу бемаъни туйғунинг келиб чиқишига яна бир сабаб оилада асосан дунёвий, моддий манфаатлар ҳақида, бойлик ва шуҳрат ҳақида суҳбат қилинишидир. Сиз бу суҳбатларингизда бир кун қайси қўшнингизни машинасини мақтасангиз, бошқа бир куни қариндошингиздаги туйнинг ажойиб, зўр ўтганлиги ҳақида оғиз кўпиртирсангиз, учинчи куни яна бир кимсанинг участкаси, дала қовлиси ҳақида лоф урсангиз ва ҳ. к. ва бундай суҳбатлар кўп кунлар давом этса, фарзанларда мана шу моддий неъматларга эришиш истаги пайдо бўлади. Улар энди шу орзу йўлида ҳеч қандай тубанликдан қайтмайдиган манфаатпараст, бахил кимсаларга айланиш билан бирга ўзлари эриша олмаган неъматлар учун эришганларга нисбатан ҳасадгўйга айланадилар. Ана энди фарзандларингиздан қалб хотиржамлиги кетади. Энди улар фақат ўз ютуқлари ҳақида гапирувчи, фақат ўзлари учунгина яшайдиган кимсаларга айланадилар.

Мана шундай тарбияланган, ўзига тўқ хонадоннинг бошлиғи, падари бузруквори оламдан ўтади. Табиийки, фарзандларга ҳам уй-жойдан ташқари анчагина пул ҳам қолади. Бироқ шуринг қурғур ота, жон бериш азобидан пулини қаерга қўйганлигини ҳеч қайси фарзандига айтишга улгурмайди. Натижада фарзандлар аввалига пулни қидиришади, топгач, уни узоқ ўзаро тақсимлашади ва ниҳоят уч кун ўтгач вафот этган отани эслашади ва уни қабристонга элтиш юмушлари билан шуғулланишади.

Эътибор бердингизми, болаларда бахиллик, манфаатпарастликни тарбиялаган отасининг жасади ҳам иззат топмади, фарзандларнинг, қисматига тушадиган муаммо, савдолар ҳақида эса бирон-бир яхши гап айтиш ундан ҳам оғир.

Ҳасадни вужудга келишида яна бир асосий сабаб орзуларига эришишига имкон топмаган, руҳий тушкунликда вояга етаётган бола ўзининг омадсизлиги учун атрофдагилардан сабаб, баҳона қидиришади. Бундай фарзандлар камолотда тенгдошларидан ортда қолганлиги учун ва уларга етолмаслигини билгач, тенгдошлари ютуғини ўзининг даражасигача камайтиришга интилади, демакки, ҳасадгўйликнинг қулфат келтирувчи ўнқир-чўнқир суқмоғидан аста қадам ташлайди.

Юқорида зикр этилган сабабларга кўра ҳасадгўйликда вояга етган ўғил-қиз катта бўлгач, келтирадиган зиёни ҳам беқиёс бўлади. У ўзи ишлаётган корхонадаги иқтидорли ходимга балчиқ чаплашдан тортиб, одамларнинг порлоқ келажакка бўлган ишончигача чанг солади. Агар у раҳбарлардан бири бўлиб қолса имкониятини фақат ўзининг «Мен»ини қондиришга сарф этади, у жамиятга заррача ҳам наф келтирмай фақат жамиятдан олишни ўйлайди.

Демак мана шундай ҳасадгўй, бахиллар вояга етиб, зарарлари ҳам беқиёс бўлмасидан олдин уларни оиладан тарбиясини йўлга қўйиш керак. Бунинг учун оилада ота-она адолатли бўлиб, барча фарзандларга тенг-баробар муносабатда бўлиш билан бирга, оилада моддий бойликдан камроқ гапириб, маънавий бойлигимиз ҳақида ота-боболаримизнинг мероси, илм-маърифатнинг афзалликлари ҳақида кўпроқ ибратли суҳбатлар, тушунтиришлар олиб бориш керак.

Ҳасадгўй ўзининг ҳасади ҳақида ҳеч кимга айтмаса, унда бу касалликни қандай аниқлаймиз, белгиси нималардан иборат? Бу иллатларни асосий белгиси мақтанчоқликдир. Тўғри, ҳар бир мактанган одам ҳасадгўй бўлмаслиги мумкин, лекин доим мақтаниб, нуқсонлари ҳақида озгина ҳам ўйламайдиган одам манфаатпарастлигига шубҳа йўқ. Иккинчи белгиси — атрофдаги одамлардан микроскоп орқали нуқсон кидиради. Бошқаларнинг ютуққа эришган йўллари, сабаблари ҳақида бўлмағур гапларни хулоса тарзида баён этади. Учинчи белгиси — ташаббуси кўринмайди, балки фақат ҳаётдан нолигани-нолиган. Демак фарзандларимизни мана шундай иллатдан холи қилиб, вояга етказиш учун энг аввал уларнинг иқтидорли ва нуқсонларини дўстона баён эта билишимиз керак. Токи улар нуқсонларни бартараф этиб, ютуқларини ошира борсинлар. Ҳамда оиланинг шахсий қутубхонаси бўлиб, бунда энг асосий илмий меросимиз жамланган бўлиб, уларни ёшликдан китоблар билан ишлашга ўргатишимиз керак. Шу билан бирга оилада ҳар бир инсон ўз даражасига ўзи эришишга сабабчи бўлишини, бошқа биров унинг даражасини камайтира олмаслиги ва ошира олмаслиги ҳақида ўқтириб боришимиз керак. Шунда фарзандларимиз ўзгаларнинг ютуқларига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарайдилар ва хотиржамликда вояга етадилар. Бизлар эса уларнинг камолотларини кўриб, умримизнинг сўнгги фаслларини ҳам бахтиёр ва мамнунликда ўтказурмиз, хаттоки оқил фарзандларимиз туфайли дунёдан ўтиб кетганимиздан кейин ҳам раҳматлар эштурмиз.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ.

Оила теграсидаги ўйлар

СЕНИ ҚАНДАЙ ЧАҚИРАЙ, БОЛАМ...

Бола оилада кимга кўпроқ суянади? Отагами ё онасигами? Қай бири болани кўпроқ эркалатса, ўшанга албатта. Хўш, қайси биримиз фарзандимизни кўпроқ эркалаймиз?

— Ота уйда болаларга қаттиққўлроқ бўлиши керак, — дейишади аёллар.

— Биз кўпинча кўчадан бери келмаймиз. Агар уйда болани ҳадеб қойийверсак, уларнинг бизга меҳри бўлмайди, — деб эътироз билдиришади эркаклар.

Шу тахлит баҳс давом этади. Гоҳ-гоҳида уйимизда рўй бериб турадиган воқеалар эса бизни қатъийроқ хулоса чиқармоққа ундайди.

Бир куни ўғлим менга деди: «Аяжон, мен ҳовлида ўйнаётганимда сиз деразадан чақирманг, ўзим келаман, хўпми?» Мен ҳайрон бўлиб, «Нега бундай деяпсан?» дедим. «Сиз бир марта чақирганда мен эшитмай қолсам, сўнг товушингизни баланд қилиб, урушиб чақирасиз. Ўртоқларимнинг олдида уяламан», — деди у. Бу гапдан негадир жаҳлим чиқди. «Хўш, бошқа ўртоқларингни ойилари қанақа чақиришади? Шунда ўғлим жонланиб кетди: «Ана, Зафарнинг ойиси секингина қилиб «За-фа-а-ар, деб чақиради-ку!»

Мен учун арзимаган бўлиб туюлган бу оддий ҳолатнинг бола учун қанчалар аҳамиятли эканини ҳеч ўйламабман-а. «Бола тарбиялайди», деганлари шу бўлса керакда. Беихтиёр энамнинг болалигимизда бизга қилган муомаласини эслайман. «Ҳой, бой бўлгур, дарахтдан пастга туш!», «Бегона ўтни юламан деб, сабзиларнинг ўзини юлиб ташлабсан-ку, манглайинг ярлақагур!», «Бояги гапимни яхши уқмаган экансан-да, айнониб кетай!». Гоҳида онам бизни қаттиқроқ қойисалар, энам дарров: «Қўй, қаттиқ гапирма, кўнгли синади. Бола — гул, уни авайлаш керак», дердилар.

Беш ёшли қизалоғим келиб ёнимга суйканади: «Аяжон, сиз нега мени ҳеч «қизим» демайсиз». Ажабландим: «Бу нима деганинг?» Шунда қизим гина аралаш дейди: «Ана, Наргизнинг ойиси «асалим, ширинним» деб чақиради. Сиз бўлса «Феруз, уни олиб кел!», «Феруз, буни олиб кел!» дейсиз. Ҳатто бирор мартаям «қизгинам» демагансиз!»

Шунда тасодифан ўз хатоимни англаб қолдим. Болалигим ёдимга тушди. Ахир мени ҳеч қачон ортиқча эркалатишмаган. Укаларим бирибиридан ёш, кун бўйи онамнинг ёнида ўралашиб, уларга қарашардим. Кечқурун дастурхон ёнида чарчаб ухлаб қолар ва эрта тонгдан яна одатдаги юмушларни бажариб кетаверардим. Бир куни нимадир иш билан ён қўшнимизникига чиқдим. Онаси кап-катта қизининг бошини тиззасига олиб, сочларини силаб эркалатиб ўтирган экан. Бу ҳол менга эриш кўринди. Кейин... Туриб-туриб ҳавасландим. Хаёлимдан ўтди: «Нега мени онам кел болам, деб ҳеч бағрига тортмаган? Фақат, «у ишни қил, бу ишни қил!» деганлар, холос. Лекин, йиллар ўтиб фаҳмладимки, менинг ўша қўшни қиздан афзалроқ жиҳатларим бўлди. Тош келса кемирдим, сув келса симирдим, рўзғор машаққатларини енгдим. Агар «эркатой» ўсганимда балки бунинг акси бўлармиди?! Лекин, қизимнинг менга таънаси... Болага меҳримизни баъзан сўз билан ҳам ифодалаб туришимиз керак экан!

— Боланинг тўғри тарбия топишида ота-онанинг унга бўлган муносабати аҳамиятлидир, — дейишади замонавий руҳиятшунослар. — Ота-она болани бараварига эркалаши, хато иш қилиб қўйса бараварига ҳимоя қилиши маъқул эмас. Чунки, бу икки ҳолатда ҳам яхши натижага эришиш қийин

Боланинг феълида битта хусусият мавжуд. Ота қойиса у онасидан ҳимоя ахтаради. Онаси қойиса-чи? Ота ёнига югуради. Шу пайтда ота: «Онаси, нега болани хафа қилдингиз?» дейиши керакми ёки «Болам, нега онангнинг жаҳли чиқаяпти? Балки сен хафа қилгандирсан. Бориб, кечирим сўра» дейишими? Она-чи? У эрига қарата: «Нега шу болани қўймайсиза?» дейиши керакми ё фарзандига «Отанг сени бекорга қойимайди. Узр сўрай қол» дейишими? Ҳар ҳолда охиргиси маъқулроқ. Чунки, шунда болада ҳам отага, ҳам онага бўлган ҳурмат сақланиб қолади.

Хўш, оилада болага ким қаттиққўлроқ бўлгани яхши. «Бола уйда отаси ё онасидан қўрқиб, ҳайиқиб туриши керак. Акс ҳолда уни тўғри йўлга солиш қийин кечади» дейдилар баъзан. Менимча, бу фикр ҳам унчалик тўғри эмас. Ахир кимдандир қўрқиб турадиган бола жўрьатсиз бўлиб ўсади. Уни кўп қойийвериш эса боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Ота ҳам, она ҳам зарур бўлганда қаттиққўл, зарур бўлганда болага яқин маслаҳатгўй бўлмоқлари лозим.

Кўзимизни қувонтириб болакай вояга етмоқда. Унинг бўйларини кўриб ўзимизнинг-да бўйимиз чўзилади. Суроғу-саволларидан завқланамиз. Фикрларини эшитиб унинг кунба-кун улғаяётганини ҳис қиламиз. Хўш, бу фарзандимиз нимани хуш кўради? Рағбатни, мақтовни, шундай эмасми? Биз шу ҳақда ўйлаганмидик, ҳеч? Агар ўйлаган бўлсак, қай йўлни тутаяпмиз? Назаримда боланинг беаддад саволларига тўғри жавоб бериб, гоҳ-гоҳида уни бир оғиз ширин сўз билан эркалаб қўйсак ёмон бўлмайди. Ундан ҳам муҳимроғи, ўз феълимиз, ўз фазилатимиз, ўз хатти-ҳаракатларимиз билан уларга ўрнак кўрсатайлик. Токи болажонларимиз ҳеч қачон биздан гина қилишмасин.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Сирли суҳбат

«ҚАРИ ҚИЗ» ҚАРИМИ?

Суҳбатдошим, тошкентлик 40 ёшли Нилуфарни 1984 йилдан, олийгоҳда ўқиётган кезларимдан биламан. Ногирон, қўш ҳассада қатнаб билим олди. Марҳума онасидан сўнг, дадаси уйланди. Орадан икки йил ўтгач, дадаси ҳам автоҳалокатдан кўз юмди. Оилада икки ўғил, уч қиз ўгай она қўлида тарбия топди.

Нилуфар билан суҳбатимиз оғир кечди...

— Нега турмушга чиқмаяпсиз?

— Йигитларга ишонмайман.

— Сабаби борми?

— Дадам ҳаётлигида бир акам уйланиб, ажрашди. Бир опамнинг ҳам турмуши бузилиб, ўгай онам акам билан опамни «сиқа» бошлади. Мени узатмоқчи бўлди. Кўнмадим. Ногирон қиз кимга керак?

— Сизни севган йигит бормиди?

— Бор эди... Туман халқ судида ижрочи бўлиб ишлаётганимда хонадонга ўғирликка тушган бир боланинг «суд иши» қўлимга тушди. Синчиклаб, қонуний жазоланди. Суд ҳукмидан сўнг умидвор бўлган йигитим менга юзланиб: «Жиянимга ёрдам бермадингиза?» — деб мендан юз ўгириб кетди. Орадан беш йил ўтди. У йигит бошқа қизга уйланибди...

— «Алдагани қиз, хотин яхши»ми?

— «Чучвара»ни хом саналмаганингиз маъқулмиди!..

— «Танбал» эркакни «йўлга солиш» учун қиз, аёл нима қилиши керак?

— Яхшилаб қорнини тўйғазиши керак. Ундан кейин ширин гапириб, кўзларига шундай қараш керакки... Ахир, Искандар шоҳ ҳам аёл кишининг нигоҳига дош беролмаган-ку!..

— «Жаврайверадиган» қиз, хотиннинг «овозини ўчириш» учун-чи?

— Пули кўплар совға билан суюклисини овутсин. Камхаражатлилар эса эпласа аврасин, йўлга солсин. Уддасидан чиқса-чиқди, йўқса индамай ташқарига чиқиб кетсин.

— Чехрангиз нозик, сулувдексиз. Ортингиздан йигитлар «Гап отади»ми?

— Эркаклар кимларга «гап отиш»ни яхши билишади. Мендек ногирон қизларга ачиниб қарашади...

— Кино, театрга борасизми?

— Беш йил илгари «Келинлар кўзғолони» спектаклига борганман. Яқинда «Чимилдиқ»қа бордим.

— Қариндошларингиз ўз жуфтингизни излашяптими?

— Излашяпти. Умрим ўтган сари эркаклардаги мардоналик йўқлигига ишончим ортиб бораяпти. Ҳозир опамнинг ўғли — жиянимни олиб тарбиялаяпман.

— Сиз ҳам «кимгадир эркаланишни қўмсайсизми?»

— Энди «кўз очиб кўришган хотинидан» ажрашган эркакка турмушга чиқиб эркаланишни, аразлашни, дилдан энтикиб сўзлашни, орзиқиб унинг остонасида йўл пойлаб туришни истамайман.

— Ахир кекса ёлғиз кампир, чол ҳам ўз жуфтини, дардкашини излашади-ку?

— Чолнинг овқатини, кийимини ювиб, тараш керакми? Икки ҳассали «қари қиз» кимга керак?.. Дейлик мен турмушга чиқиб, келгусида, шу йилда фарзанд кўрамиз. Мен олтмиш ёшга кирганимда фарзандим 20 ёшга киради. Мен унгача борманми, ё... фарзандимнинг ҳоли не кечади?

Нилуфар билан узоқ гаплашдик. Имконият қадар уни турмушга чиқишини таклиф этдим. Йўқ!... Билмадим, дилидаги «йигити» ҳам соғлом қизга уйланиб, қизчасига «Нилуфар» деб исм қўйибди.

Нилуфар «қари қиз» бўлишига қарамай, опасининг ўғли — Фарҳодни ўз боласидек эъзозлаб, парваришламоқда. Фарҳод шу янги ўқув йили мактабга боради. «Ойи, ойи» деб Нилуфарсиз яшай олмайди...

Мухтор БЕК

Тўйхат ўрнида

УМРНИНГ ОЛТИН ОСТОНАСИДА

ШАРИПОВА ДИЛОРОМ ЖУМАНИЁЗОВНА. Педагогика фанлари доктори, профессор. Республика «Оила» илмий-амалий марказининг «Оила аъзолари саломатлигининг тиббий-биологик асослари» лабораторияси мудири.

Республикамиз илм аҳли орасида Дилором опани танимайдиган одам йўқ десам муболаға бўлмас... Боқишлари тетик, вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб туради. Суҳбатлашсангиз сизни шошириб қўяди...

— Дилором опа, ўзингиз Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатган экансиз, лекин соҳангизни ўзгартирибсиз...

— Тўғри, мен 1955 йилда тиббиёт олийгоҳини тамомлаб, Ўзбекистон илмий-текшириш институти санитария ва касб касалликлари институтида иш бошладим. Ўзбекистон Фанлар академиясида академик А.Ю.Юнусов раҳбарлигида илмий иш олиб бордим. Кейинчалик эса илмий фаолиятимда тиббиёт билан руҳиятни уйғунлаштириш истаги пайдо бўлди. Шу мақсадда пойтахтдаги жисмоний тарбия институтининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Болалар дефектология ва мактаб гигиенаси билан боғлиқ касбларда ишладим.

— Ўз хизмат фаолиятингиз давомида деярли барча жойларда раҳбарлик лавозимида ишлагансиз, бунинг устига сиртдан ўқиб, илмий ишлар ёқлагансиз. Қолаверса, оила, уй-рўзғор ташвишлари дегандек.

— Нимасини айтасиз, ҳеч нарса шундоққина юзага келмайди. Яширмайман, қийналган пайтларим бўлган. Лекин қунглимда танлаган касбимга, бажараётган ишимга нисбатан иштиёқ кучлилиги менга руҳан мадад берган. Ҳеч қачон тушкун кайфиятда бўлмаганман. Умидсизлик табиатимга ёт хислат. Ўқиш ва изланиш доимий ҳамроҳим, севимли машғулотим. Шу боис ҳам чарчаш, толиқиш нималигини билмайман. Ҳар қандай ҳолатда ўзимни бошқара оламан. Умр йўлдошим билан 26 йил бирга яшаб бирон марта бир-биримизга товушимизни кўтарган эмасмиз. Аксинча илмий ишларимиз ҳақидаги фикрларимизни ўртоқлашганмиз, йўл-йўриқ кўрсатганмиз.

— Айтгандек, сиз на фақат ишчан раҳбар, балки меҳрибон она ва устозсиз?

— Раҳбарлик бир томондаку, лекин шогирдларим йигирмадан ортиқ, ўзимникиларни ўчта. Шогирдларимни ҳазиллашиб «илмий болаларим» дейман. Уларга ҳар томонлама ёрдам беришга интиламан. Ишларимдан, ютуқларидан қувонаман.

— Демография бўлими билан иш олиб бораяпман, дедингиз. Кўпчилик қатори мен ҳам буни унча тушунмайман.

— Буни том маънодаги савоб ишлардан дейиш мумкин. Биз оила психологияси, этник — демографик ҳолатларни, унинг тиббий-психологик асосларини ўрганаяпмиз. Болалар ўртасидаги туғилиш ва ўлиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда бир йил мобайнида неча марта ва қандай касалликларга чалинганини аниқлаймиз.

— Сиз демография маданияти ҳақида гапирдингиз...

— Фаолиятимиз давомида кўзлаган мақсадимиз ўзбек оилаларига демографик маданиятни олиб киришдир. Биз ҳозир дунёдаги барча мамлакатларнинг оилалари ҳақидаги маълумотларга эгамиз. Бу билимларимизни ўзбек оилалари билан таққослаймиз. Биринчи масала — болалар. Уларни ўрганамиз, ёрдам берамиз. Ногирон майиб-мажруҳ болаларни махсус интернатларга жойлашга, уларнинг билим олишлари ва даволанишларига кўмаклашамиз.

— Ўзбеклар нуқсонли фарзандларини интернатга беришдан кўра оилада тарбиялашни маъқулроқ кўришади-я?

— Ҳамма гап шунда-да. Ахир ўша болалар ҳам нималарнидир билиши, ўрганиши керак-ку! Вақоланки, улар орасида ҳам қобилиятлилари бўлиши билан оламни ҳайратга солиши мумкин. Бундай ҳоллар кўп бўлган.

— Сизлар ўрганаётган масалалар, бизда кадимдан қолиб келаётган, эъзозланаётган эмасмиди, аслида?

— Шак-шубҳасиз. Чунки яқинда бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг «Ўй тутиш сирлари» деган бир китобини топдим. Ҳақиқатан ҳам унда айтилган фикрларнинг биз олиб бораётган ишлар, тадқиқотлар нақадар ўхшашлиги, қимматли маълумотлари билан мени таажжублантирди. Шундай антиқа китобларнинг кўпи йўқолиб кетганидан ғоят афсусланаман.

— Опа, сиз ўзга оилаларнинг муаммолари, ташвишлари билан бўлиб ўзингизни унутган пайтлар ҳам бўлганмиди?

— Нима деяпсиз? Ахир менга куч-қувват бахш этгувчи гўшам — оилам-ку, ахир! Ҳамма қатори мен ҳам ишдан елиб-югуришлар, турли муаммолардан чарчаган ҳолда уйга қайтада ва бошқалар... Уларнинг суҳбатларидан бахраманд бўлганман. Кичик қизалоқлик пайтимдан отамга муносиб қиз бўлиш учун интилардим. Онам Зуҳра Раҳмоновадан эса уй юмушларини бекаму-куст ўргандим.

Бахтимнинг бутунлиги шундаки, бу икки суянч тоғларим учун ҳамон ёш боладекман, шекилли. Кейин болалигим ўтган уйимизга келсам ўзим ҳам ёш болага айланаман, қоламан. Ота-онам ҳануз — «Овқатландингми, қорнинг қалай?», «Пулинг борми? Қийналмаяпсанми?», — деб ҳол сўрашларини канда қилишмайди. Тансиқ таом тайёрланган бўлса, албатта олдини менга илинишади. Бу лаҳзаларнинг олтиндек азиз эканлигини ҳис этаман. Меҳр юрагимга қанот бағишлайди гўё... Яна бир тоғим акам бор.

— Шу меҳр ришталари боис янада кўтаринки кайфият билан ижод қилсангиз керак?

— Рост. Оқшом уй-рўзғорга тегишли барча ташвишлардан қутулгач, жондан азиз набираларимни аллалаб ухлатгач, машинка ёнига ўтираман... Илмий асарларимни, шогирдларимнинг асарларини кўчириб, ишлаб чиқаман. Мақолаларимни асосан тунда ёзаман. Эрталаб эса яна ишга, хизматга жўнайман...

Опанинг таржимаи ҳолини ҳайратланиб ўқийман. Эҳ-ҳе!.. Айниқса раҳбарликнинг осон эмаслигини, унинг турли мураккаб йўлларини, машаққатларини кўз олдимга келтираман.

Ҳа, Дилором опа Шарипова эрта-индин олтмиш ёшга тўлади. Лекин кўринишидан бу ёшни бермайсиз. Меҳнат одамни ёшартиради, деганларича бор экан.

Аслида ҳаёт гўзаллиги ҳам, олам мунавварлиги ҳам Дилором опага ўхшаган аёллар билан...

Басира САЙЙИД АЛИ

«Кечаси ибодат ҳам қилгил, уйқуга ҳам ётгил. Чунки сенда ўз танангни ҳам ҳаққи бор».
Ҳадисдан.

СОЧ ТЎКИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Одам 70 ёшга киргунча умрининг 23 йилини уйқуда, яъни ғафлатда ўтказар экан. Еш улғайган сари уйқу соатлари ҳам камайиб боради. Чақалоқлар бир суткада 21—22 соат ухласа, ўсмирлар 8—10 соат, балоғатга етган кишилар эса тахминан 7—8 соат ухлайдилар. 2—3 минутли, яъни қисқа муддатли уйқу-«қуш уйқуси» дейилади. Одатда болали аёллар, кексалар, ташвишли кишилар ана шундай ухлайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг сочлари тўкилиб кетади. Чунки уйқу миянга намлик беради. Соч эса намликдан озиқланади. Уйқуга кетишдан олдин асаб ва мушаклар таноби бўшашади, нафас чуқурлашади.

АБИТУРИЕНТЛАРГА МАСЛАҲАТ

Талаба бўлиш орзуида кечаникеча, кундузни-кундуз демай ўқиётган абитуриентларга вақтида ухлаб, вақтида ўқишни маслаҳат берар эдик. 7—8 соат уйқуни канда қилиш эвазига ҳеч нарса топмайсиз, аксинча... Чунки уйқу вақтида миянинг аксарият қисми ортиқча ўнсурлардан тозаланади. Муҳими, агар биз хотирани компьютер «мия»сига қиёсласак, кундузги ўқиган-билган, кўрганкечирганларини ички ўзлаштириш мезони уйқу бўлади.

Русларда «Кечдан кўра наҳор яхши», деган мақол бор. Эрталаб саҳарда ўқилган ҳар бир сатр нарса миянга мухрланиб қолади. Яхшиси, сиз тонгдаги соат 4 дан 8 гача вақтни ўқишга сарфланг. Нонуштадан сўнг 9 дан 12—13 гача бўлган вақт ҳам ўқиш ва ўзлаштириш учун қулайдир. Кунниг қолган қисмини конспект қилиш еки ўқишингиз лозим бўлган адабиётларни белгилаш билан ўтказинг. Кечки соат 9—10 ларда уйқуга етинг. Ҳар бир соатда танаффус қилишни ҳам унутманг. Шоядки, сиз ўзингиз орзу қилган олийгоҳ талабаси бўлсангиз.

Вужудимизга қулоқ тутайлик

ТУНИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН

ЧАРЧАШ-ЁСТИҚ

Кундуз куни одам табиатан ишга чорловчи, ғайрат кўзғатувчи симпатик нерв системасининг ихтиёрида бўлса, кечаси унга парасимпатик нерв ҳукмронлик қилади. Бу нерв тинчликни ёқтиради. Шу боис кундузи сезилмаган оғриқлар афсуски, кечаси ўзини кўрсатади. Буни тиш оғриғи азобини тортганлар яхши ҳис қиладилар. Лекин, уйқу булар билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Жой ҳам танламайди. Кимдир «Чарчаш-энг яхши ёстиқ», деб ҳақ гапни айтган.

Дарвоқе, сиз қандай ухлайсиз? Француз психологи Пьер Давонинг фикрича одамнинг психологияси унинг қандай ухлаши билан алоқадор.

— Агар киши қорни билан ётса, демак, уни кўнгилсизликлар, ишидаги ноҳушликлар қийнаяпти.

— Ғужанак бўлиб ётадиган одам ёлғизликдан қиналиб, таянч излаган бўлади.

— Осмонга қараб ётадиаганлар мағрур ва иродали, ўз мақсадлари йўлида курашувчан.

— Бошини буркаб ётадиганлар тушкунликка тушган кишилардир.

— Агар киши, ёстиқ қучоқлаб ётса, у чинакам севгига муҳтож.

— Ўнг ёнбош билан ётадиганлар ишда қатъий ишончи бор, лекин ҳеч қачон юқори поғонага кўтарила олмайди.

— Чап ёнбоши билан ётадиганлар ижод кишиларидир

«...ТУШИМДА КЎРСАМ ЭДИ»

Келиб қолса-ку, «Азиз меҳмон бош устига», деб қай ҳолатда бўлмасин уйқуга кетиб, ҳатто туш кўриш ҳам мумкин.

Тушларда ҳам ўзига хос фарқланишлар бор.

Мана бу маълумотни ўқигач, ажабо, ҳофиз: **«Нигоро гулбаданимни тушимда кўрсам эди»** — деб беҳуда хониш қилмас экан-да, — деган хаёлга борасиз. Руҳшунос олимларнинг фикрича севишганлар ҳеч қачон бир-бирларини тушда кўришмайди. Уларнинг муҳаббати икки томонлама тугал ҳамда зиддиятсиз бўлади. Шунинг учун онг бу борада сукут сақлайди. Агар эр-хотин бир хил туш кўришса демак, уларни бир хил муаммо қийнар экан.

Рангли туш кўрувчилар ҳам бор. Ҳаётни севувчи, шижоатли инсонлар қизил рангни кўришади. Киришувчан, меҳрибон кишилар зарғалдоқ, ошиқлар бинафша ранг тушлар кўришади. Дарвоқе, қора ранг руҳий ҳимоя рангидир. Сариқ, яшил, кўк рангдаги тушлар соғайиш, покланиш, руҳий уйғонишни англатади. Даҳшатли тушлардан ҳеч каро терга ботиб уйғонганмисиз? Бундай тушлар — жаҳл, ўзига бўлган ишончнинг камайишидан далолатдир.

ГЎЗАЛЛИК-МЕЪЁРДА

Албатта, серуйқулик фазилат эмас. Кузатишлардан маълум бўлишича серҳаракат, серфаолият ва жасур одамлар кам ухлашади. Петр I, Наполеон, Эдиссонлар камуйқу бўлишган. Узоқ ухлайдиганлар бунинг акси, яъни улар иккиланувчан, сермулоҳаза, ҳиссиётга берилувчанликлари билан ажралиб туришади. А. Эйнштейн, масалчи Крилловлар шундай бўлишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, уйқуга бепарво бўлмаслик керак. Ўз вақтида ухлаб, турган одам ҳеч қачон меъда, ёки ун икки бармоқли ичак ярасига мубтало бўлмайди. Қон босими ошиб кетмайди, экзема ва нейродермитдан (терининг қичиши) ҳам ҳалос бўлади. Чунки агар биз организмни калъага ўхшатсак, уйқу вақтида у янада мустаҳкам тошқурғонга айланади. Терига тушган микроблар бирпасда ёғ кислотаси таъсирида эриб, йўқ бўлиб кетади. Ички без ва лимфалардан шира ва биохимик моддалар ажралиб, вужудни муҳофаза қила бошлайди, дарди бор бўлса даволайди ҳам Тана аъзолари уйқу асносида қисман дам олгандай бўлади. «Гўзаллик меъёрда» деган гап нақадар ақлли ва доно...

Дилбар ТУРҒУНОВА

Арзи ҳол

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

Одам чорасиз қолганда кимгадир суянади, арзиҳол айтади. Умид учқунлари сўниб кулга айланган тақдирда ҳам нажот изларди, чора ахтаради. Таҳририятимизга келаётган айни шундай мазмундаги хатларга диққат-эътиборни янада кучайтириш максадида «Арзиҳол», — деган янги рукн очдик. Бу рукн остида босилган ҳар бир мақола, хат-хабар изсиз кетмайди. Таҳририят томонидан жиддий назорат қилиб турилади. Зарурият туғилганда журналистик текширув ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад кимнидир қоралаш ёки оқлаш эмас, балки холислик йўлидан бориб адолатни юзага чиқаришдир.

КЎЧКИЛАРДА УЧГАН АРМОНЛАР...

«Оила ва жамият» газетаси бутун Ўзбекистон хотин-қизларига суянган, ишонч гулбоғи бўлиб қолгани мени қувонтиради, ўксик кўнглимдаги гул босган умид чўғларини шуъалантиради.

Оилавий жиҳатдан икки марта турмушга чиқиб ҳам бахтим очилмади. Буни қисматимдан кўрдим. Асака туман, «Навбаҳор» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Пастки Чўмбоғич қишлоғилик Мусажон Маннопов номини тилга олсам бўғзимдан юрагимгача оҳлар тўлиб, жизиллаб қуядиган бўлиб қолди.

Саккиз йилдан ортиқ қулим косов, сочим супурги бўлиб хизматларини қилдим. Далада ишладим. Томорқага қарадим. Мўл-кўл помидори, узум, бошқа мева-чева, терак етиштирдик. Укаларини уйладик. Сингилларини чиқардик. Данғиллатиб янги уй қурдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, лой қориб гувала, ғишт қуйдим. Бошқаларини айтмасам ҳам бўлар. Аёлнинг боши рўзғор деган ғорнинг тегирмон тошидан айланаркан... Сув келса симирар, тош келса кемирар экансану, ортиқчасига...

Биринчи турмушимдан туғилган қизим Маҳлиёни зор-зор соғинардим. Уни аям Лобархон, дадам Буронбойлар ўгайситиб қўйишмади. Фарзандлари қатори улғайтириб, турмушга узатишди. Ҳозир неварам ҳам бор.

Кейинги оиламдан 3 фарзанд кўрдик. Бири-биридан ширин, эсли, меҳнаткаш. Уларнинг тирик етим бўлиб қолишида нима гуноҳ? Мен-ку, майли, наҳотки даданинг ўз жигаргўшаларига ҳам тирноқча меҳри, қилча оқибати бўлмаса? На дараги бор, на бир парча хабари. Бунинг устига нафақа тўлашдан ҳам бўйин товлаб юрибди. Илон ёғини ялаганлар ҳилидан экан. Суд раисидан тортиб, ижрочиларгача ҳаммани чув тушириб кетади. Йиллаб нафакани тўхтатиб қўяди. Уйни бўлиб беришга ҳукм чиққан. Унамайди. Бунинг ҳам йўл-иложини топади. Сўнгги суд 1997 йил сентябр ойида Бўз туманида бўлиб ҳал қилувчи ажрим чиқарди. Унда жавобгар М. Маннопов нафақа тўлашдан қаддан бўйин товлаб, бош тортиб юргани учун икки йил мажбурий хизматга ҳукм этилди. Барибир ҳеч фойдаси йўқ. Бувим Лобархон, укам Акмалжонларнинг уйида яшаяпмиз. «Янги уй қуриб бераман», — деб охирги ваъдасини айтганига 4 йилдан ошди. На бир чўп келтиргани йўқ, на бир тош. Ўзим амал-тақал қилиб, ака-укаларим кўмагида пахсали уй қурдиряпман. У бўлса бирор тийин сарфламади, ҳатто усталарни «ҳорманг» деб қўйишга ҳам ярамади. Ҳаттоки болаларининг ризқи бўлган нафақа пулини ҳам кўзи қиймайди. «Муштипар»га бағритошлик шунчалик бўладими? Нима, унга қонун йўқми?

Маҳмудахон МАННОПОВА,
Шаҳрихон тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Қаердаки, қонун устиворлиги таъминланмаса ўша жойда адолатсизлик илдиз отади. Ушбу хат мазмунидан шу нарса сезилиб турибди. Шаҳрихон туманидаги қонун ҳимоячилари фаолиятида иззиллик етишмагани, қонунларнинг амалдаги ижроси таъминланмагани боис бир оиланинг мулк тўғрисидаги мажораси орадан салкам бир йилга якин вақт ўтса ҳамки узил-кесил ҳал этилмасдан келинмокда. Бу ҳол яна қанча давом этиши мумкин — буниси қоронғи.

Шаҳрихон тумани ҳокимлиги мазкур масалани ўрганиб чиқиб жавоб йўллайди, деган умиддамиз.

ЕРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Деҳқонобод туманилик Мавлуда Ризакулованинг таҳририятимизга йўллаган мактубида ҳам уй-жой муаммоси кўтарилган.

«Бошчорбоғ» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан менга уй-жой учун 0,8 сотих ер ажратиб берилди. Ҳамма ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилгач, иморатни тиклашга киришдим. Лекин эндигина бошлаган қурилишим чала қолди. Туғриғоғи уни шу қишлоклик Жаббор Норсоатов ўзбошимчалик ва зўравонлик қилиб тўхтатиб қўйди. Бу ерлар унинг отасидан қолган эмиш. Топган важ-корсонини қаранг. Турли идораларга қайта-қайта мурожаат этишимдан наф чиқмади. Сўнгги умидим сизлардан».

Ҳа, Мавлуда опани уй-жойи можароси туфайли кирмаган эшиги, бош суқмаган тешиги қолмади. Ҳаммасига бир-бир кириб чиқди. Бу каби хатти-ҳаракатлари охир-оқибатда унинг ўзига кимматга тушди. Ж. Норсоатов томонидан тан жароҳати олган Мавлуда опа ҳатто шифохонада ётиб даволанди. Саломатлиги тиклангач туман ички ишлар бўлимига мурожаат этди. Шундан сўнг Ж. Норсоатов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-банди билан айбдор деб топилди. Аммо 1997 йилда амистияга киритилиб, жазодан озод этилди.

Фуқаро М. Ризоқулованинг аризаси бўйича Деҳқонобод тумани ҳокимиятининг жавоб хатини сабрсизлик билан кутамиз.

ТЕГИРМОН НАВБАТИ БИЛАН

Ҳафтанинг охирги иш куни эди. Таҳририятга қўлтиқтаёқли бир йигит кириб келди. Салом-аликдан сўнг арзи ҳолини айтди:

«Касбим —қурувчи. Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасида 1985 йилдан буён узлуксиз ишлаб келардим. Ҳозирда бу ташкилот Тошкент чет эл қурилиш трести деб юритилади. 1996 йил 1 май куни ҳаётимда бахтсизлик рўй берди. Иш жойимда фалокатга учрадим. Юк кўтарма мосламаси (кран) қулдираги оёғимни кесиб кетди. Меҳнатга лаёқатсиз — иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони бўлиб қолдим.

Уй-жойим йўқлиги ва ногиронлигим туфайли биринчи турмушимдан ажрашганман. Иккинчи оиламдан иккита фарзандим бор. Чилонзор туманидаги 15-ишчилар ётоқхонасида яшайман.

Иш жойимдан уй олиш учун 1989 йилдан навбатда тураман. Мендан кейин навбатда турганлар уй-жойли бўлишди. Аммо мен ҳалигача ололганим йўқ. Икки йилдан буён сарсонман. Бошқарма бошлиғи К. Ажибеков нуқул ваъда беради, холос. Нима қилишимга бошим қотиб қолди».

Хўш, нега иккинчи гуруҳ меҳнат ногирони Шокиржон Юлдашевга уй бериш пайсалга солинмокда? Бунга сабаб нима? Агар Тошкент чет эл қурилиш бошқармаси бошлиғи К. Ажибековнинг бошқа нияти бўлса очик-ойдин айтсин, хафа бўлмаймиз. Зеро, бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар.

К. ТОШМИРЗАЕВ

Шарафлайдиган!

Мунис ва меҳрибон онажонимиз! Ушбу қутлуғ айём — туғилган кунингиз муборак бўлсин! Эзгу тилакларимиз Сизга бахшида бўлсин!

Аллоҳимдан тилайман,
Сизга асл бахт берсин.
Чеккан заҳматингиз-чун,
Жаннатидан тахт берсин.
Онажон, сиз биз учун,
Энг қадрли дунёда.
Энг ардоқли. Энг азиз,
Ҳар тарафдан зиёда!

Ҳаётжон, Мақсадхон, Ойбек,
Ғолиб, Ирода ва Дилдорахонлар.

Чортоқнинг лобар қизи
ДИЛБАРХОН, ҳамкасбимиз!

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Келгусида юксак ижодий зафарлар ва бир оиланинг суюкли бекаси бўлишингизни, ҳамиша Наманган гулларидек очилиб юришингизни тилаб қоламиз.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» таҳририяти.

Азиз жигарбандамиз РАҲМОНОВА Муҳаббатхон!

Сени ҳаётингнинг энг гўзал ва такрорланмас фасли бўлмиш 17-баҳоринг билан муборакбод этамиз!

Келгусида ўзинг истаган уқишга кириб, бахтли ва саодатли бўлиб, эзгу ниятларингга етиб юргин деб,

Ота-онанг ва укаларинг.

Азиз онажонимиз
Фарида хон

Сизни 9-июль табаррук 50 ёшингиз билан чин қалбимиздан қутлаймиз! Бахтимизга оллоҳ умрингизни узоқ, соғлигингизни мустаҳкам қилсин.

Сиз-ла бизга қайғу бегона,
Бахтимизга бош бўлинг она!

Фарзандларингиз:
Бурҳонжон, Илҳомжон,
Шаҳнозахон, Лобархонлар.

«ОИЛА — 513»

47 ёшли, маълумотли, маданиятли йигит фарзанд кўриш ёшидаги уй-жойли, одобли аёл билан танишишни ва биргаликда ҳаёт кечиришни истайди.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

1998 йил учун клиник ординатурага қуйидаги ихтисослар бўйича қабул эълон қилади.

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА:

Акушерлик ва гинекология (1);
Эндокринология (1); Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари (1); Ички касалликлар (3);
Кардиология (1); Кўз касалликлари (2);
Педиатрия (2); Юқумли касалликлар (2);
Гери ва таносил касалликлар (1);
Асаб касалликлари (2); Онкология (2);
Психиатрия; нур. диагностика нур билан даволаш (1); Стоматология (2); Фтизиатрия (1); Жарроҳлик (1); Гематология ва трансфузиология (1);
Анестезиология ва реаниматология (2); Урология (1);
Пульмонология (1); Наркология (2);
Болалар юқумли касалликлари (1);

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин:
700007, Тошкент ш., Паркент кучаси, 51-уй, клиник ординатура ва аспирантура бўлими.

Телефон: 68-26-38

Ҳужжатларни қабул қилиш - эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Иқрор

БИР ЙЎЛДОШИНГ БЎЛСИН ЭКАН

Ҳаётда йўлдошинг бўлсин экан. Дилингни тушунса, дардларингга малҳам бўлса, сен ҳам уни шундай тушунсанг, унга дармон бўлсанг... Ортингдан эса бағрингни тўлдириб фарзандлар ўсиб-улғайиб келаверса. Аслида инсон ҳаётининг мазмуни шу экан...

Афсус, мен буни кеч тушундим. Ўкидим, ишладим, уйлардимки ҳаётим шу зайл тинчгина, силлиққина ўтаверади, деб... Лекин, энди мана ёшим 40 дан ошиб қолганда, фаҳмладимки, — ёлғизлик — бу бебахтлик экан. Ёлғизликдан қўрқиб қолдим. Истайманки, ёнимда меҳр-оқибатли, олийжаноб, мард бир йўлдошим бўлса... Шундай киши бўлса бундан кейинги ҳаётимизни бирга ўтказишни, тўрт кунлик дунёда бахту саодатга эришиб яшаш учун бутун куч-қувватимни сарфлашни истардим. Ўзим ҳақимда: ўқитувчиман, уй-жой, оила, бола-чақани ҳар қандай ҳаваслардан юқори қўядиган одамман.

ХАЛИМА

Таҳририятдан: Ҳалимахонга (албатта, бу ўз исми эмас) хат ёзиб фикрдош бўлишни истаганлар бўлса, мактубларини редакция манзилига ёзиб, Ҳалимахонга, деб курсатсинлар.

Биз эса ўз навбатида мактубингизни интизор бўлиб кутаётган Ҳалимахонга етказамиз.

БУВИМНИНГ ЭРТАГИ ЁКИ ШАРҚОНА БОЗОР

Олмонияга сафаримнинг иккинчи куни йўлдошим — Осмон шаҳарни бир айланишни таклиф этди.

Франкфуртда, умуман Олмонияда бозор тушунчаси йўқ. Аммо, фақат бир йўналишда транспорт ҳаракатига мўлжалланган авто йўлларнинг икки қирғоғи, баланд биноларнинг биринчи қаватида савдо расталари, бежирим ойнабандли дўконлар жойлашган. Савдо расталари ва дўконларда етти иқлимдан келтирилган етмиш минг хилдан ортиқ маҳсулотни учратишингиз мумкин. Арабистон бодомларию, хурмолари, рум ва испан боғларидан яқинда узилган олма-узумлару шафтолилар менга пойтахтдаги Олой бозорининг гавжум, сержилв, бой расталарини эслатди. Вужудимда алланечук энтикиш, соғинч ҳисси пайдо бўлди.

Биз расталардан бирига яқинлашдик. Раста эгаси Осмоннинг таниши чоғи улар сўрашишди. Ҳамроҳим мени таништирди.

— Чўҳ мамнунмен, қардош. Буюр! — Турк йигити бизни дўконга таклиф этди.

Бир тилим қовун ва тарвуз билан меҳмон қилди. Ноз-неъматлардан бир тишлам-бир тишлам татиб кўрдим. Аммо мазаси Хоразм қовунларию, Жиззах тарвузларидан еру осмонча фарқи бор. Мен ўз фикримни суҳбатдошимга билдирдим:

— Сапча қовун-тарвузлар билан олмонларни чалғитаётган экансизда, турк-қардош, яқинда биз ўзбеклар бозорингизни касод қилишимиз аниқ...

— Олмонлар рақобатни хуш кўриюрлар... Марҳабо... турк йигитнинг хижолат бўлганлиги юзларига югурган қизилликдан сезилди.

Сўзларимни жиддий қабул қилмаслигини сурадим.

Осмон мени энг замонавий матолардан сўнгги тикилган кийим-кечаклар билан савдо қилувчи дўконга бошлади. Расталарнинг бойлиги ва хилма-хиллигидан кўз қамашади. Дўкон хўжайини бизни олмонча тавозеъ билан қарши олди. Дўкон ўртасидаги оромижон курсига ўтирдик, бежирим хонтахта устида икки қаҳвадонда иссиқ қаҳва пайдо бўлди. Хушрўй табассум юзига нур бағишлаб турган олмон қизи қошимизга келиб муддаомизни сўради.

Ажабланиб Осмонга қарадим.

— Бизда барча дўконларда бу табиий ҳол. Сени тавозеъ билан кутиб олишади. Дидингга мос ва хос молни харид қилгунингча бир пиёла қаҳва тутишади. Яна бир шарти бор. Агар савдолашишнинг уддасидан чиқсанг, молингни ярим баҳосига олишинг мумкин.

— Бу удум сизларда анчадан берими? — сўрайман дўкондордан.

Осмон сўзларимни таржима қилгандан сўнг дўкондор елка учириб, жилмайди.

— Бу гап ростми, ёлғонми билмайман. Урушдан кейинги йиллари шарқлик, осиёлик бир асир йигит ўз юртида қамашлари ёки отиб ташлашларидан қўрқиб, олмон савдогарига ишга ёлланибди. Йигит савдода уддабуронлиги билан савдогарга ёқиб қолибди ва уни ўз дўконларидан бирига сотувчи этиб тайинлабди. Бу удум ўшандан қолган дейишади. Албатта, олмонлар фойдали ва яхши одатларни тез қабул қилиб олишади.

Осмон билан Франкфурт кўчаларидан боряпману хаёлимда бувим сўзлаб берган эртакнамо ҳикоя чарх айланади.

Бувимнинг айтишларича, шаҳар ҳовлимиз Олой бозорининг шундоккина биқинида, дала боғимиз эса Юнусободда бўлган экан. Бувам дўконларида қишинёзин харидоргир узум, олма ва бошқа ҳўл мевалар билан савдо қилганлар. Бувамнинг миришкорликларига қиёсан тенгдошлари «заргар» деб аташарди. Шаҳар ҳовлимиз этагида, Олой бозорининг ҳозирги автобекати ўрнида жойлашган дўкон растаси, муўжаз чойхона доим гавжум бўлган. Суҳбат, гурунглари билан одамларни ўзига чорлаб турган.

Бу воқеани эслашдан мақсад, ҳозирги дўкон ҳамда бозорларимиздаги «кўтара» ва «ким ошди» савдоларининг барҳам топиши, унутилаётган асл удумларимизни қайта кўриш, холос.

— Энди «Чорсу бозори»га борамиз, — деб қолди.

— «Чорсу бозори», — ажабландим.

— Ҳа, ҳайрон бўлма.

Райн даресининг ўнг қирғоғидаги, йўлакларига кошин ғиштлар ётқизилган, усти ойнабандли, ямяшил дарахтлар кўзни қувонтирувчи улуғвор бинога кирдик. Бу бино ичидаги сон-саноқсиз савдо дўконлари, қаҳвахона ва ресторанларнинг энг замонавий меъморчилик услубида қурилгани кишини лол қолдиради.

Аммо бу гўзалликка ясама «ҳол» бўлган манзара дилимни хира қилди. Фикрим баёнидан юртдошларим ранжишмасин. Бу ерда собиқ иттифоқдан ҳужжатда «турист» бўлиб келган олиб сотарларнинг юриш-туриши «Паркент» ёки «Отчопар» бозорларидагидан фарқи йўқ эди.

Франкфуртдаги энг йирик «Hash» савдо биржасини олмонлар «Чорсу» деб аташларининг сабабини кўз билан кўриб тушундим.

— Кўтара савдонинг ўз қонунлари бор, — дейди Осмон. — Биржанинг алоҳида-алоҳида савдо менежерлари бор. Улар билан шартлашиб, ҳисобкитоб қилсангиз бас, юкингизни истаган қитъага элтиб беришади. Аммо қуша-қуша туяларга юк бўладиган жомадон тула моллар билан шаҳарнинг у еридан бу ерига сарсон кезиш... ақлга тўғри келмайди.

Мен яна шарқона бозор, олмонча такаллуф ҳақида ўйланиб қолдим.

Музаффар МИРЗО,
Франкфурт—Тошкент

Юрган дарё

САВОБ ВА... ПУЛ

Поезд йўлагига ўрнатилган кичкина ўриндиқни очиб ўтирдим, қизимни бағримга босиб, ухлатмоқчи бўлдим. Бу пайтда ҳалиги бизнинг вагонга чиқиб олишимизга ёрдам берган одам купелар эшигини очиб бир-бир қараб борди-да, биттасининг ичкарисига кириб, чиққач:

— Опа, келинг, мана бу купеда ўтириб туринг, — деди.

Ҳайит арафаси бўлганлиги учун вагон ичи йўловчиларга тўла эди.

— Йўқ, бир амаллаб етиб оламиз. Раҳмат сизга, бошқаларни хижолатга қўймайлик, — дедим.

— Келинг, ҳозирдан ҳеч ким ухламайди-ку! Ўтириб турасизлар, — деди ҳалиги йигит.

Шу пайт ичкаридан жингалак сочлари қизғиш, юзлари қип-қизил йигит бошини чиқариб:

— Келинг, дегандан кейин, келаверинг-да! — деди. Унинг гап оҳангида самимий буйруқ бор эди. Купега кирдик. Уч йигит экан.

— Опа бу купени проводниклар, ўзлари сотиб олишган, биз улардан сотиб олдик, — деди юзлари қизил йигит. — Битта йигитимиз келмай қолди. Ўшанинг жойи сизники.

Худойим меҳрибон-да, каранг сизларга рўпара қилганини, — дедим. Аллоҳнинг меҳрибончилигига чин дилдан имон келтириб. — Мен ўша шерикларинг ўрнига жойнинг пулини тўлайман.

Бироқ кўп ўтмасдан купега иккита катта сумка кўтарган аёл кириб келди, ёнимга ўтирди. Гапидан маълум бўлди-ки, аёлнинг ҳам билети йўқ экан. Лекин мана бу йигитларга қараганда, икки баробар кўп пулни вагон кузатувчисига берибди. Кейин купе ичида кичкинагина жанжал бўлиб ўтди: Вагон кузатувчисига уч йигит: «Биз сиздан бу ердаги тўртта жойни сотиб олгандик,» дейишди. Кузатувчи эса: «Тўртинчи шерикларинг йўқ. Шунинг учун жойни мана шу аёлга бердим», деб ҳалиги савдогар аёлни кўрсатди. Йигитлар менинг ёш бола билан қийналишимни, тўртинчи шерикларининг жойини менга беришмоқчи бўлишар, навбатчи эса: — «Мен бу болали аёлни вагонга чиқармоқчи ҳам эмасдим, ўзи зўрлик билан чиқиб олди. Жойни эса умуман ваъда қилганим йўқ, — деб менга норози қаради. Жанжал зўрайиб кетмасин учун, болани олиб яна йўлакка чиқдим:

— Йигитлар, раҳмат, менга хижолат бўлманглар. Бир кеча, минг кеча бўлмайди, — дедим. «Марғилонга етиб олсак бўлди!». Дилимда тунни қандай ўтказиш ташвиши заррачаям йўқ эди, фақат у ён, бу ён ўтаётганлардан хижолатда эдим.

Ҳамма ўз ўрнига жойлашиб, билетлар текширилиб, вагон ичи осойишта тортганда, қизил юзли йигит ёнимизга келди:

— Опа, юринг бизнинг купега.

— Укажон, хижолат тортманглар!

— Сиз бола билан шундай ўтирсангиз хижолат тортмаймизми?

Энди гап ортиқча эди. Купега кирдик. Тепадаги жойлардан бирида савдогар хотин, наригисида йигитлардан бири ётарди.

Пастнинг бир томонини бизга бўшатиб қўйишибди. Иккинчи тарафига икки йигит жойлашибди.

— Опа, йўлакда ўтирсангиз камроқ пул сўрайди, чиқиб кетаётганингизда индамайди.

Хафа бўлдингизми? — деб кулди қотма қорача йигит.

— Йўқ, яхшиликларинг, Худодан қайтсин!

Ўзим асосий иштирокчиларидан бўлган бу воқеани шарҳламоқчи ҳам, хулосалар чиқармоқчи ҳам эмасман.

Ҳануз кўз олдимдан, йўл кузатувчисининг хонасида осиғлик турган жойнамоз кетмайди...

Муҳтарама УЛУҒ

Холида АХРОРОВА

БЎРМИСАН, ХАЛОСКОРИМ!

Ҳикоя

Кексалар уйқуси- қуш уйқуси, дейдилар. Кунда шу аҳвол — аёл уйғонганда соат тунги уч бўлади. Қайси гўргадир равона бўлган ором уйқусини кошки эди, тутиб олиб бўлса...

Бир неча кундирки шундай онларда кўз ўнгида никоб кийган киши намоён бўлади. Никобдаги бу қарияни у Москва телевидениясидаги «Никоб кийган киши» кўрсатувида кўрди. Бу кимса инсонларга, ўз ҳаётига ихтиерий чек қўйиш ҳуқуқи берилиши кераклиги ҳақида сўзлади. Ўша кўрсатувдан кейин аёл тинчини йўқотиб қўйди. «Банда дегани ношукур бўлар экан-да», — ўйлайди, афсус билан. Ахир ўз хоҳишинг билан оламга келолмас экансан, ўз истагинг билан дунёдан кетишингни ким қўйибди сенга... Ахир, оламнинг ташвишлари, азоблари қанчалик кўп бўлмасин, қувончлари, шодликлари шунчалар ранго-рангки, шунчалар беададки, тун билан кун нақадар табиий алмашиниб келса, шу янглиғ алмашиниб турарканг-ку. Ялпи ҳасрат-надомат ёнинки фақат шодликлардан иборат бўлмас экан-ку бу ҳаёт деб аталмиш бахт-саодат. Нима бўлганда ҳам бу олам ўз номи билан ёруғ жаҳон-ку. Абадул абад зулумот олами бўлган нариги дуне эмас-ку....

Овозини барралла қўйиб:

— Хайрият-ей! — деб юборганини билмай ҳам қолди.

— Хайрият... Яхшиям ўша нўғай бола бор экан. Ўша бўлмагандами... Эҳҳ-а, бундан ўттиз йил бурун аспалосопилинда бўларкан-а... Ўттиз йил бурун-а... Демак, ўшандан буён ўтган ўттиз йил мобайнида кўрган-кечирганлари, шодликларию, ҳасрат-надоматлари ҳам бўлмас экан-да...

Лекин унгача... унгача нақ жаҳаннам ўтида ёнди, жигар-бағри хун бўлди. Бошига тушган мусибатни кўтаролмай, ўзини қай чоҳларга отмоқчи бўлмади... Лекин ҳар гал кўз ўнгида ўғил-қизларининг жавдираган кўзлари пайдо бўлардию, шайтоннинг васвасасидан бир амаллаб ўтиб оларди... Аммо бошига энг қора кун тушган ўша кезлар — севган кишисининг хиёнатини кўришдан кўра ўлим унинг учун энг нажиб нарса бўлиб кўринмадими? Бир йўла ҳамма азоблардан қутилтирадиган ягона малҳам бўлиб туйиладими?.. Энди бўлса — орадан ўттиз йил ўтгач ўлим сўзини овозини кўтариб гапиролмайди, наздида ўлимнинг совуқ нафаси уфураётгандай, ҳали замон ўз домига тортиб кетаётгандай аъзойи баданини титроқ босади.

Аммо ўшанда. Ўшанда ўлим бари азоблардан қутулишнинг бирдан-бир ва энг тўғри йўли бўлиб кўринмаганмиди?!

Алам устида ўша чоғлар — гўзал, навниҳол пайтида бир тийинга қиммат кўринган ҳаёт, эндиликда — қариган, кўндан қолиб, кўзлари ҳира тортган, дардчан бир пайтида шунчалар ширин, шунчалар мароқли эдики, бунга ўзи ҳам ҳайрон қоларди...

Неваралорингнинг боғчадан қайтганда бағрингга отилишининг ўзи бир қувонч бўлса, ёш гўдакнинг бувисини суйиб эркалашларию, оппоқ келин либосию, тилло ковушлар олиб беришини ваъда қилишнинг ўзи қалбига бир олам қувонч бахш этиши-чи...

Бундан чиқди, вақт — табиб деганлари рост экан-да... Вақт — табиб, лекин анави нўғай бола бўлмаганда... Қаердасан-а, нўғай бола?..

... У ўзини бахтли ҳисобларди. Суйган кишиси билан ахил-иноқ яшар, икки ўғил, икки қизи бор — ўшаларни оқ ювиб, оқ тараш билан селвор бўлиб, иззатда-ҳурматдаги чевар эди. Болалар бўй етиб борар, тўнғич ўғли ўн бешда, кенжа — қизалоғи олти ёшда эди. Бир инсонга бундан ортиқ бахт бўлмас, бўлса агар кўз тегиб кетса керак, деб ўйларди. Лекин ўз бахтига аллақачон кўз тегиб қолганини билмаган экан...

... Бир нафасда ҳаммаси «кунпаякун» бўлди. Бахт деб билгани оилавий ҳаётига дарз кетди. Дарз кетса ҳам майли эди-я, чўгаласа бўларди, энг нафис чинни ликопчадай чил-чил бўлди...

Бу шум воқеанинг бўлиб ўтганига ўттиз йилдан ортиқ бўлибдию, ҳаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандай бутун тафсилотлари билан ёдида...

Ўша куни эрталаб ишга кетаётиб эри билан келишиб олишди. Икковиям ишхонасидан ижозат олиб, соат ўн иккиларда, қайн эгачисиникига боришади. Поччаларининг худойиси бор шу куни. Қарашишлари керак.

Лекин чархкажрафторнинг бир шеваси туфайлими, еки бошқа бир сабаб биланми, қайнэгачисиникида бўлар соатидан у уйга қайтиб қолади. Эрта билан шошилиб қолиб дазмолни чиқармасдан кетгани ёдига тушади. Бунинг устига, азадор хонадонга ял-ял ёнган атлас кўйлакда бориб бўлмайди, ҳеч бўлмаса эгнига қора атлас кўйлагини илиб олмоқчи эди у. Хайрият, дазмол қизиб кетгану, лекин зарар тегмаган эди. Шоша-пиша дазмолни ўчириб, эгнини алмаштириб кўчага чиқди. Болалари қуринмайди, мактабдан қайтишмабди, деб ўйладию, ишхонасидаги дугонаси билан олган оппоқ туфли оёғини сиққани учун қўшни келинга илиниб келтирган эди. Бир дақиқада шуни ташлаб чиқмоқчи бўлиб қўшни ҳовлига бош суқади. «Салима, Салимаой!» — дея овоз беради. Жавоб йўқ. Шошиб турганн боис яна «дўқ-дўқ» юриб хона эшигини шартта очади. Туфлисини ечмаёқ бир қадам ичкари кириб, чап тарафдаги эшикни итаради ва ўнг билагида сумка, чап қўлида оппоқ туфли тутганча ҳанг-манг бўлиб анграйиб қолади... Не кўз билан кўрсинки, эри...

(Давоми бор)

Мавзуга қайтиб

МАҚСАДИМИЗ — ГЎДАКЛАРГА ЯХШИЛИК...

Газетамизнинг 21-сонида «Бувижоним билан қоламан!» сарлавҳали материал босилганди. Ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга талайгина мактублар келди. Чоп этдик. Бир куни таҳририятимизга кириб келган йигит ўзини Алимов Бахтиёр дея таништирди... Мавжуда холанинг куёви экан. Биз Бахтиёр билан узоқ суҳбатлашдик. Бахтиёр мақолани ўқиб хафа бўлганлигини баён этди: «Атрофлича текширишларинг керак эди. Ахир менинг ҳам бошимда не кўргуликлар ўтмаган. Хотиним ҳамиша касал эди. Уни соғайтириш учун кўп ҳаракат қилганман, елиб югурганман. Яхши турмуш кечиришни, бахтли бўлишни мен ҳам истаганман. Ваҳоланки, барча бахтсизликлар учун мен айбдор бўлиб чиқибман», — деди. Бахтиёрнинг даволари бир жиҳатдан ҳақ эканлигини мулоҳаза юритиб биз ҳам тан олдик. Лекин бу мақолани чоп этарканмиз ўтган-кетган воқеа-ҳодисаларни қайтадан ковлаштириш, Бахтиёрни қоралаб ташлашни мақсад қилиб олмагандик. Ниятимиз фақат гўдакларга яхшилик қилишдан иборат эди. Яъни бевақт ўтиб кетган Муҳаббатнинг пок руҳи ҳар икки хонадондан ҳам рози бўлсин, тинч бўлсин, — деб ўйлагандик.

Бахтиёр ўғли Исломжонни ўз ёнига олиш ниятидан ҳеч қачон қайтмаслигини айтди. Шофёр бўлиб ишларкан. Хотинининг касаллиги сабабли кўпроқ болалар тарбияси унинг зиммасига тушганлигини айтиб, шундай деди: «Биласизми, бир оилани биламан, турмушлари бузилгач, бир бола бувисининг тарбиясида қолганди. Ҳалиги бола ўзи билан ўзи бўлиб, ёмон йўлларга кириб кетди. Охири қамалиб ҳам кетди. Бунинг сабабини бувисининг ёмонлигида эмас, балки болани ёшлигидан яхши назоратда бўлмаганида, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда баъзи кампирлар бола тарбиялашдек мураккаб ишдан кўра қулоғининг тинчини афзалроқ билишади, шекилли. Исломжон акаси Равшандан кўра зеҳнлироқ. Энди бувиси билан... Оиламизда, уйимизда ёш болалар ёлғиз қолишмайди. Судя Ж. Абдуллаев болаларни отасида, яъни менда қолдириш керак эди. Аммо у ҳам... Лекин мен тирик бўла туриб ўғлимни бировга беришни истамайман. Балки кўпчилик қайнонамни ёқлашар, мен яқинда онам билан борганимда ўғлимнинг тарбиясида ўзгаришлар пайдо бўлганини сездим. Унга тарбияни ҳозир бериш керак. У вояга етгач кеч бўлади».

Бахтиёрнинг ташрифидан сўнг туман ҳокимияти вакиллари билан Саккокий маҳалласига бориб суҳбат утказдик. Нима бўлганда ҳам «ҳечдан кўра кеч», дедик-да. Маҳалла оқсоқоли ҳузурида кўп гаплар, тортишувлар ҳам бўлди. Бахтиёр фарзандини ўзининг шофёрлик қилиб ишлаб топган пулига боқишини айтди. Биз, Исломжонни бувиси тарбияласа, вақти-вақти билан кўришиб турсангизлар, бунинг нимаси ёмон деб сўраганимизда, шундай деди: «Мен фарзандларимни ўзим тарбиялаб, улар мустақил, бирор касбли бўлгач уйлантириб оталик қарзимдан қутулсам, кейин майли келиним билан қайнонамнинг уйида яшашига розиман. Ҳозирча эса боларимга тарбияни мен беришим керак...»

Томонларнинг сўзларини эшитиб шунга амин бўлдикки, «Ғишт қолипдан кўчиб бўлган». Мақсадимиз икки томоннинг ўзаро алоқаларини аниқлаш эмас, фарзанд — яъни Исломжоннинг тақдирини ўйлаш эди.

Маҳалладаги суҳбатимиз сўнгида эзгу ниятимиз ҳар икки томонни яраштириб, болалар гоҳ бувисиникида, гоҳ отасиникига бориб туришлари учун шароит яратиш, икки ўртадаги музликни эритишдан иборат эди. Бироқ!.. Илгари бўлиб ўтган можаролар, гинаю кудуратлар кўнгилларни музлатиб, юракларга ўз тамғасини ўчмайдиган қилиб муҳрлаган кўринади. Илгари айтганимиздек Бахтиёр уйланган. Хотини эрининг икки фарзандини оилада тарбиялашга аҳд қилибди. Бахтиёрга, унинг эзгуликни ихтиёр этган рафиқасига Оллоҳ кетмайдиган бахт ато этсин. Нима бўлганда ҳам ёвузликка инсоф, эзгуликка рўёб тилаб қоламиз.

Таҳририят

— Азиз ака, эчкини ўтлатгани олиб чиқибсизда-а?!
— Йўқ, Абдуқаҳҳор болам, шу эчкини сотиб, «Оила ва жамият» газетасига обуна бўлмоқчиман.

Тошкент Халқ хўжалиги институти томонидан ИБРАГИМОВА МАТЛУБА РИХСИЛЛАЕВНА номига 1984 йилда берилган КВ № 839409 — рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Шиоримиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кучаси, 41- уй. Босишга топшириш вакти -20.00. Босишга топширилди - 18.30.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0185
20964 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР